

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ХАФИЗОВА ДИЛНОЗА БАҲАДУРОВНА

**МУЛЬТИГЕН ТРОМБОФИЛИЯСИ МАВЖУД АЁЛЛАРДА
ЭКСТРАКОРПОРАЛ УРУГЛАНТИРИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТСИЗ
ЯКУНИНИНГ ПРЕКОНЦЕПЦИОН ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА ОЛДИНИ
ОЛИШ ЧОРАЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Хафизова Дилноза Бахадуровна

Мультиген тромбофилияси мавжуд аёлларда экстракорпорал уруглантиришнинг муваффақиятсиз якунининг прекоцепцион тайёргарлиги ва олдини олиш чоралари5

Хафизова Дилноза Бахадуровна

Прекоцепционная подготовка и профилактика неблагоприятных исходов экстракорпорального оплодотворения у женщин с наличием мультигенной тромбофилии23

Khafizova Dilnoza Bahodurovna

Pathogenetically substantiated prevention of unfavorable outcomes of IVF in women in the presence of multigenic of thrombophilia43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works48

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ХАФИЗОВА ДИЛНОЗА БАҲАДУРОВНА

**МУЛЬТИГЕН ТРОМБОФИЛИЯСИ МАВЖУД АЁЛЛАРДА
ЭКСТРАКОРПОРАЛ УРУГЛАНТИРИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТСИЗ
ЯКУНИНИНГ ПРЕКОНЦЕПЦИОН ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА ОЛДИНИ
ОЛИШ ЧОРАЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълими, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2614 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Ихтиярова Гулчехра Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмийоппонентлар

Туксанова Дилбар Исматовна - тиббиёт
фанлари доктори, профессор

Рузиева Нодира Хақимовна - т.ф.д., тиббиёт
фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот

Н.И. Пирогова номидаги Россия миллий-
тадқиқот тиббиёт университети

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувоний кўчаси, 23 уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувоний кўчаси, 23 уй. Тел./факс: +99865223-00-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ куни тарқатилган.

(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгашраиси, тиббиёт фанлари
доктори(DSc), профессор

Н.Ш. Аҳмедова

Илмий даражалар берувчи берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари
доктори (DSc), доцент

К.Ж. Болтаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раис ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бепуштлик соғлиқни сақлашнинг глобал муаммоси бўлиб бутун дунё бўйлаб миллионлаб аёлларга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра”... дунёда 50-80 миллион аёл ва 11,3% оилалар бепуштликка дуч келади, уларнинг атиги 35% тиббий ёрдам учун мурожаат қилади”¹. Турли мамлакатларда ЭКУ марказларининг маълумотларига кўра, экстракорпорал уруғлантириш муолажасидан кейин ҳомиладорлик частотаси 30-40% га етади. Бироқ, турли муаллифларнинг маълумотларига кўра”... экстракорпорал уруғлантириш ва эмбрион кўчириб ўтказилгандан кейин ҳомиладорликни ўз-ўзидан тўхтатиш частотаси 18,5 дан 32% гача ўзгариб туради”¹.

Бутун дунёда экстракорпорал уруғлантиришнинг муваффақиятсизлик сабаблари ўрганилишни давом этмоқда. Улар орасида тромбофилия муҳим ўринни эгаллайди. Тромбофилия учун турли хил генетик мутациялар ва полиморфизмлар маълум бўлиб, улар ҳомиладорликнинг турли муддатларида ҳомиланинг йўқотилишига олиб келиши мумкин. Туғма ёки ирсий тромбофилия гемостаз системасининг фаоллигини ўзгартириши мумкин. Қон ивитувчи, қон ивишига қарши ва фибринолитик тизимлар мувозанатининг бузилиши эмбрионнинг эндометрийга имплантациясининг бузилишига олиб келиши мумкин. Бу эса ўз навбатида сунъий уруғлантириш дастурларининг салбий натижаларига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, эрта ташхислаш ва асоратларни камайтириш, най генезли бепуштлиги бўлган аёлларни экстракорпорал уруғлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясининг 56-бўлимнинг 4-бандида белгиланган 7 та устувор йўналишда “аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023 йилларга мўлжалланган соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ...”² вазибалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6110-сонли, 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли Фармонлари, 2020-йил 10-ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини тامينлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

¹Valamakis G., Chrousos G., Mastorakos G. Stress, female reproduction and pregnancy. Psychoneuroendocrinology. 2019; 100: 48-57. [http:// dx.doi.org/10.1016/j.psyneuen.2018.09.031](http://dx.doi.org/10.1016/j.psyneuen.2018.09.031)

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги "2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги 60-сонли фармони

4887-сонли Қарори ва 2020-йил 12-ноябрдаги “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4891-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Сўнгги йилларда экстракорпорал уруғлантиришда (ЭКУ) гемостаз тизими бузилишининг имплантация жараёнларига таъсири фаол ўрганилмоқда. Тромбофилия уруғланган тухум хужайра имплантацияси, спирал артериялар трансформацияси ва плацентацияни бузади, бу эса ўз навбатида гестацион асоратлар ва репродуктив йўқотишларга олиб келади, (М.А. Родгер ва ҳаммуаллфлар 2021). Бунга ҳомиладорликни кўтара олмаслик (ХҚО), преэклампсия, фетоплацентар етишмовчилик (ФПЕ), ҳомила усиши чегараланиш синдроми (ХЎЧС), йўлдошнинг муддатидан олдин кўчиши ва ҳомиланинг антенатал ўлими киради. Тромбофилиянинг тромботик ва тромботик бўлмаган таъсирларига алоҳида эътибор қаратилади, улар яширин қолиши ва ҳомиладорлик учун хос бўлган гиперкоагуляция ҳамда тизимли яллиғланиш шароитида намоён бўлиши мумкин (Макацария А.Д. ва ҳаммуаллфлар 2022).

Бу муаммо аҳоли орасида ҳам генетик, ҳам орттирилган тромбофилияларнинг ҳаддан ташқари кўп учраши туфайли алоҳида аҳамият касб этади. Замонавий маълумотларга кўра, ушбу бузилишларнинг частотаси умумий популяцияда 15-20% ни ташкил қилади. Тромбофилияларнинг бундай кенг тарқалиши турли генетик полиморфизмлар ва мутациялар билан боғлиқ бўлиб, улар ҳомиладорлик пайтида ва ЁРТдан фойдаланишда жиддий асоратларга олиб келиши мумкин (Р.К. Henke et al. 2020, V. De Stefano et al. 2021).

Ёрдамчи репродуктив технологиялар (ЁРТ) сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ҳам кенг тарқалди. Ушбу усуллар бепуштлиқни даволашнинг анъанавий усулларида анча устун бўлиб, илгари бефарзанд деб ҳисобланган кўплаб эр-хотинларга ҳомиладор бўлишга имкон берди. Бироқ, ЁРТдан фойдаланиш бир қатор тиббий-ижтимоий, клиник, этик ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Хусусан, Ўзбекистонда ЁРТни даволаш қиммат ва бюджетдан молиялаштирилмайди, асосан хусусий тиббиёт муассасаларида амалга оширилади.

Ю.Г.Расул-Заде ва ҳаммуал Б.В. Шодиев (2023) томонидан тадқиқотда экстракорпорал уруғлантиришга прегравидар тайёргарлик ва ҳомиладорликнинг I триместрини олиб боришнинг оптимал тактикаси ишлаб чиқилган бўлиб, бу қоннинг полидефицит ҳолатини коррекциялашга асосланган, бундан ташқари К.Т. Бобоева ва ҳаммуаллифларнинг тадқиқотларида. (2020), Ш.У. Бахрамова (2023) турли аёлларда тромбофилик

мутациялар аниқланган. Улар ЭКУда ХКОда тромбофилик генлар полиморфизмининг ролини ўрганган. Тадқиқот натижаларига кўра, MTHFR генининг C677T полиморфизми энг кенг тарқалган вариант эди. Осиё популяцияси учун кам учрайдиган протромбин генининг G20210A мутацияси фақат экстракорпорал уруғланган иккита аёлда аниқланди, уларнинг иккаласи ҳам гетерозигот генотипга эга эди. (М.Х. Музаффарова 2023) Ушбу натижалар протромбин G20210A гени мутацияси, лейден омили V G1691A мутацияси ва MTHFR C677T гени полиморфизми Европа ва Ўзбекистон популяцияларида энг кўп тарқалганлигини кўрсатадиган маълумотлар билан қисман мос келади (С.З. Юлдашева 2023, Ж.Е. Пахомова 2023.).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2022.PhD.143) “COVID-19 дан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи организмнинг патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган (2022-2026 йиллар)».

Тадқиқот мақсади: экстракорпорал уруғлантиришнинг салбий оқибатлари юзага келишида “томирлар тизими” генлари полиморфизмининг ролини ўрганган ҳолда прекоцепция тайёргарлигини оптималлаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

репродуктив йўқотишлари бўлган аёлларда экстракорпорал уруғланишнинг муваффақиятсиз уринишлари сабабларини ва оқибатларини аниқлаш;

экстракорпорал уруғланишдан кейин салбий оқибатларга эга бўлган аёлларда бачадон артериялари ва унинг тармоқларида гемостаз тизими ва қон оқимининг доплероетрик параметрларини баҳолаш;

экстракорпорал уруғланишга тайёргарлик кўришда анамнези оғир бўлган аёлларда “томир тизими” генининг F3 (G/T) ва F7 (G/A) полиморфизми ассоциациясининг аҳамиятини аниқлаш;

генетик маркерлар фонида экстракорпорал уруғланишнинг муваффақиятли натижаларини амалга ошириш учун оғир репродуктив анамнезга эга аёлларда гестация олди тайёргарлиги алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЭКУ га тайёрланган 115 нафар бепушт аёллар олинган. Тадқиқот 2 босқичда амалга оширилди. 1-босқичда ЭКУ муваффақиятсиз ўтказилган 90 нафар беморга консултация берилди. 2-босқичда асосий гуруҳ иккита кичик гуруҳга бўлинди: I А кичик гуруҳ – прегравидар тайёргарлик ўтказилган, муваффақиятсиз ЭКУ натижасидан кейин тромбофилия ва бепуштлиқ билан 44 нафар аёллардан, II Б кичик гуруҳ – прегравидар тайёргарлик кўрмаган ёки прегравидар тайёргарлик тўлиқ ҳажмда ўтказилмаган 46 нафар аёллардан иборат эди. Назорат гуруҳи ЭКУ дан кейин ҳомиладорликнинг физиологик кечиши бўлган 25 нафар аёлдан иборат.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қон, қон зардоби олинган.

Тадқиқот усуллари сифатида клиник, гематологик, биокимёвий, генетик, ултратовуш, статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёрдамчи репродуктив технология дастурларида бепуштлиқ билан беморларда гемостаз тизими ва тўқима омили, F3 (G/T) ва F7 (G/A) генлари мутацияларининг ролини ўрганиш билан ЭКУ нинг муваффақиятсиз оқибатлари баҳоланган;

экстракорпорал уруғланишдан олдин қон томир тизимининг рецептивлиги ва бачадон, базал, радиал артерияларда қон оқимининг доплерометрик параметрлари билан гемостаз тизими ва генетик маркерлар ўртасида узвий боғлиқлик исботланган;

ҳомила тухуми имплантациясидан олдин ЭКУ натижалари частотасини оширишга қаратилган адъювант терапия мажмуасида персонизацияланган антикоагулянт терапиянинг самарадорлиги баҳоланган;

анамнезида муваффақиятсиз ЭКУ бўлган аёлларда мультиген тромбофилияларнинг генетик маркерлар текширувини концепциядан олдинги тайёргарлик протоколларига киритиш репродуктив йўқотишлар сонини сезиларли даражада камайтириши ҳамда ЭКУ муваффақиятини ошириши кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЭКУ нинг муваффақиятсиз натижалари бўлган аёллар ва назорат гуруҳи ўртасида F3 (G/T) ва F7 (G/A) генларининг аллеллари ва генотиплари частотасида сезиларли фарқлар аниқланди. Ҳомила тушиш хавфи юқори бўлган аёлларда асоратларни эрта аниқлаш учун генетик маркерлар сифатида ХКО хавфи юқори бўлган мутант аллеллар ва генотиплардан фойдаланиш мумкин;

шахсийлаштирилган антиромботик терапияни ўз ичига олган преградидар тайёргарлик алгоритми ишлаб чиқилди ва клиник амалиётга муваффақиятли жорий этилди ҳамда гиперкоагуляцион ҳолати бўлган аёлларда коагуляция кўрсаткичларини нормаллаштириш имконини берди, бу эса муваффақиятли ЭКУ имкониятларини сезиларли даражада оширди;

олинган маълумотлар асосида оғир репродуктив анамнезга эга бўлган аёлларни олиб бориш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. F3 (G/T) ва F7 (G/A) полиморфизмларига генетик тест ўтказиш зарурлиги, инфекцион касалликлар ва эндокрин патологияларга комплекс текширув ўтказиш, гиперкоагуляцион ҳолатларни аниқлашда антикоагулянтлар ёки антиагрегантларни тайинлаш бўйича таклифлар киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий, бир-бирини тўлдирувчи инструментал, клиник, лаборатор, скрининг ва статистик усуллардан фойдаланилганлиги, текширилган аёллар сонининг етарлилиги, олинган маълумотларнинг ушбу соҳадаги маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг натижалари билан таққосланганлиги, шунингдек, олинган маълумотларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқотда оғир репродуктив анамнезга эга бўлган аёлларни тайёрлашнинг

янги алгоритми тақдим этилди, бу мажбурий генетик тестлаш ва инфекциялар ҳамда эндокрин патологияларга комплекс текширувни ўз ичига олади, бу эса репродуктив тиббиёт соҳасига катта ҳисса қўшади. Муваффақиятсиз ЭКУ қилинган аёлларда коагуляция кўрсаткичлари батафсил ўрганилди, бу репродуктив йўқотишларда гиперкоагуляциянинг роли ҳақидаги билимларни кенгайтиради ва бу соҳада кейинги тадқиқотлар учун маълумотлар тақдим этади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, инфекцион ва эндокрин патологияларни мажбурий текширишни, шунингдек ЭКУ муолажасини бошлашдан олдин уларни даволашни ўз ичига олган комплекс протокол ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга жорий этилган. Бу эмбрионни муваффақиятли имплантация қилиш ва ҳомиладорликни олиб бориш эҳтимолини сезиларли даражада оширишга имкон берди, чунки инфекцияларни бартараф 9ти шва эндокрин бузилишларни тузатиш ҳомила ривожланиши учун янада қулай шароитларни яратади. Генетик тест натижалари ва коагуляцион кўрсаткичлар асосида индивидуал антиромботик терапия алгоритми ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритмнинг клиник амалиётга жорий этилиши гиперкоагуляцион ҳолатдаги аёлларда коагуляцион кўрсаткичларни меъёрлаштиришга имкон берди, бу эса эмбрионни имплантация қилиш ва ҳомиладорликни муваффақиятли олиб бориш учун шароитларни сезиларли даражада яхшилади.

Концепциядан олдинги тайёргарлик протоколларига бачадон артерияларида қон оқимини яхшилаш усуллари, масалан, томир қаршилигини пасайтиришга ва эндометрийнинг қон билан таъминланишини яхшилашга ёрдам берадиган вазодилататорлар ҳамда физиотерапевтик муолажалардан фойдаланиш киритилган, бу эса муваффақиятли имплантация ва ҳомиладорликни эҳтимолини оширади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ЭКУ муваффақиятсиз яқунланган аёлларда экстракорпорал уруғлантиришга предгравидар тайёргарлик тактикасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

- «Экстракорпорал уруғлантиришдан кейинги салбий оқибатларга эга аёлларда мултиген тромбофилиянинг роли» номли экстракорпорал уруғлантириш дастурларини прегравидар тайёрлаш самарадорлигини аниқлаш имконини берувчи услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023-йил 10-январдаги 8н-р/65-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ЭКУ муваффақиятсиз амалга оширилган аёлларда экстракорпорал уруғлантириш ва ҳомиладорликни олиб бориш дастурини самарали баҳолаш имконини берди;

- бепушт аёлларда экстракорпорал уруғлантиришга прегравидар тайёрлаш ва I триместрни антенатал олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, шаҳар туғруқ мажмуаси, Тошкент ва Бухоро шаҳар экстракорпорал уруғлантириш клиникаларида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023-йил 25-январдаги 8н-з/149-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши экстракорпорал уруғлантиришдан кейин аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ натижаларини яхшилаш имконини берди, шунингдек, тромбофилияли аёлларда ЭКУ

дастурлари натижадорлигини ва ҳомиладорлик натижасини прогнозлашда муваффақиятсиз оқибатлар сабабларини аниқлаш муҳимлиги тиббий ёрдам сифатини оширди. Илмий ишланманинг иқтисодий самарадорлиги ЁРТ дастурларида ҳар бир бемор учун 18 млн. сўмгача иқтисод қилиш имконини берди, ЁРТ дастурининг нархи барча текширувларни ўз ичига олган ҳолда ўртача 31 000.000 млн. сўмни ташкил этишини ҳисобга олсак, такрорий ЭКУда сумма 17.500.000 сўмга ошади, яъни ЭКУдан кейин муваффақиятсиз натижалар кузатилган 1 нафар беморга 48 500.000 сўм иқтисодий харажат тўғри келади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробатсияси натижалари, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аёлларда ЭКУ уринишларнинг салбий оқибатларини келтириб чиқарувчи молекуляр-генетик омилларни ўрганишнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида муаммонинг долзарблиги асосланган адабиёт маълумотлари умумлаштирилган. Алоҳида қисмда тухумдонлар поликистози синдромининг тарқалиши, этиопатогенези ва клиник кечишини ўрганишнинг баъзи жиҳатлари келтирилган. Шу билан бирга, ЭКУ муваффақиятсиз бўлган аёлларда экстракорпорал уруғлантиришнинг пайдо бўлишининг молекуляр-генетик омиллари тавсифланган. Шу билан бирга, ЭКУ муваффақиятсиз бўлган аёлларда экстракорпорал уруғлантиришнинг пайдо бўлишининг молекуляр-генетик омиллари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалларнинг умумий тавсифи, тадқиқот усуллари тавсифланган.

Белгиланган вазифаларни бажариш учун биз муваффақиятсиз ЭКУ уринишлари бўлган 90 нафар аёлларни текширдик, (муваффақиятсиз ЭКУ уринишлар сони 5 тагача). Беморларни ўрганишнинг асосий вазифаси ирсий тромбофилик мутациялар ва полиморфизмларнинг частотаси ва спектрини аниқлаш эди.

Анамнестик маълумотларга кўра асосий гуруҳ 2 гуруҳга бўлинди. 44 нафар аёлдан иборат А гуруҳ беморларига ЭКУ га тайёргарлик пайтида аниқланган тромбофилияни ҳисобга олган ҳолда патогенетик асосланган экстракорпорал уруғлантиришнинг режалаштирилган муолажасига тайёргарлик ва туғруқдан олдин ҳомиладорлик давомида кейинги кузатув ўтказилди, бу эса анамнезида ва тромбофилияда муваффақиятсиз ЭКУ уринишлари бўлган беморларда ЭКУ муолажасини оптималлаштириш ва бошланган ҳомиладорликни олиб бориш масаласини ҳал қилиш имконини берди. Б гуруҳи – ЭКУ муваффақиятсиз уринишлари билан прегравидар тайёргарлиги бўлмаган ёки қисман прегравидар тайёргарлик олган 46 нафар аёлдан иборат эди.

Назорат гуруҳи ЭКУ дан кейин ҳомиладорликнинг физиологик кечиши бўлган 25 нафар аёлдан иборат. Тадқиқотга жалб қилинган жами аёллар сони 115 та дан иборат эди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Windows 10 тизимли компьютерда ўрнатилган статистик ишлов бериш функциялари, шу жумладан офис дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда статистик ишлов берилди. Тадқиқот материаллари параметрик ва нопараметрик таҳлил усуллари ёрдамида статистик ишловдан ўтказилди. Дастлабки маълумотларни тўплаш, тузатиш, тизимлаштириш ва олинган натижаларни визуаллаштириш Microsoft Office Excel 2019 электрон жадвалларида амалга оширилди. Статистик таҳлил SPSS Statistics v.23 дастури ёрдамида амалга оширилди (IBM Corporation).

Диссертациянинг «**Экстракорпорал уруғлантиришнинг муваффақиятсиз натижалари бўлган аёлларнинг шахсий тадқиқотлари натижалари**» деб номланган учинчи бобида таққослаш гуруҳлари беморларининг умумий хусусиятлари тавсифланган.


Бепуштлиқ давомийлиги 3-йилдан 17-йилгача эди (химоясиз мунтазам жинсий ҳаёт шароитида). Текширув вақтида беморларнинг ёши 21-40 ёш оралиғида бўлиб, ўртача $32,77 \pm 3,07$ ёшни ташкил этди. Уларнинг аксариятида (58%) 31-36 ёш оралиғига тўғри келди.

Текширилган аёлларнинг барчаси турмуш қурган. Бундан ташқари, никоҳ 112 (98%) нафарда қариндош бўлмаган ва 3 (2%) нафарда қариндошлар орасида бўлган.

Асосий гуруҳдаги 33 (36,7%) нафар аёл шаҳарда, 57 (63,3%) нафари эса қишлоқ жойларда истиқомат қилган. Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, асосий гуруҳ иштирокчилари орасида қишлоқ аҳолиси кўпроқ. Назорат гуруҳида эса 14 (44%) нафар аёл шаҳарда, 11 (56%) нафари эса қишлоқда яшаган. Назорат гуруҳида ҳам қишлоқ аҳолиси устунлик қилади. Асосий гуруҳда 64 (71,1%) нафар аёл олий маълумотли, 26 (28,9%) нафар аёл эса ўрта маълумотли бўлган. Назорат гуруҳида 9 (36%) нафар аёл олий маълумотга эга бўлса, 16 (64%) нафар аёл ўрта маълумотга эга эди.

Асосий гуруҳда хизматчиларнинг улуши (32,2%) назорат гуруҳига (24%) нисбатан юқори. Назорат гуруҳида (52%) асосий гуруҳга (32,2%) нисбатан уй бекалари сезиларли даражада кўп. Асосий гуруҳдаги ишчиларнинг улуши (31,1%) назорат гуруҳига (16%) нисбатан анча юқори. Иккала гуруҳда ҳам таълим олувчилар кичикроқ қисми ташкил этади, аммо уларнинг назорат гуруҳидаги улуши (8%) асосий гуруҳга (4,44%) нисбатан юқори.

Бепуштлиқ билан оғриган беморларда олдинги ҳомиладорлик натижалари таҳлил қилинди. Репродуктив йўқотишлар таркибида (1-расм) ЭКУ муваффақиятсиз ўтказилган тадқиқот гуруҳидаги беморларда преэмбрионал йўқотишлар устунлик қилиб, 72,2% ҳолатларни ташкил этди. Бу ҳомиладорлик энг эрта босқичларда тўхтатилган ҳолатларнинг кўплигини кўрсатади. Шунингдек, 34,4% беморларда ўз-ўзидан ҳомила тушиши ҳолатлари қайд этилган. ҲКО 24,4% ҳолларда кузатилган.



1 расм. Асосий гуруҳ беморларида репродуктив йўқотишларнинг кўрсаткичлари

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ўрганилаётган аёллар орасида бепуштлиқ давомийлиги қуйидагича тақсимланди: 52 (57,8%) нафар аёлда бепуштлиқ 5-йилгача давом этди. Қолган 38 (42,2%) нафар аёлда бепуштлиқ 5-йилдан ортиқ давом этган. Бунда, бирламчи бепуштлиқ 41 нафар (45,6%) аёлда, иккиламчи бепуштлиқ эса 49 нафар (54,4%) аёлда кузатилди.

1-жадвал
Асосий гуруҳ беморларининг бепуштлиқ давомийлигига қараб тақсимланиши

Параметрлари		Асосий гуруҳ (n=90)	
		Абс.	%
Бепуштлиқ давомийлик даври	5 йилгача	52	57,8
	5 йилдан ортиқ	38	42,2
Бепуштлиқ тури	Бирламчи	41	45,6
	Иккиламчи	49	54,4

Бепуштлиқ этиологияси учта асосий тоифа билан ифодаланди: ановуляция, най омили ва идиопатик бепуштлиқ, уларнинг натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Бепуштлик омилларига қараб беморларнинг тақсимланиши (n=115)

Бепуштлик этиологияси	Асосий гуруҳ (n=90)	
	Абс.	%
Ановуляция	31	34,4%
Най омили	39	43,3%
Идиопатик бепуштлик	20	22,2%

Асосий гуруҳдаги 90 нафар бемордан энг кўп учрайдиган бепуштлик сабаби найсимон омил бўлиб, у 39 (43,3%) нафар аёлда кузатилган. Ановуляция 31 (34,4%) нафар аёлда, идиопатик бепуштлик эса 20 (22,2%) нафар беморда ташхисланди. Беморларнинг асосий гуруҳида бепуштлик сабабларини таҳлил қилиш диагностика ҳамда даволашга комплекс ва кўп тармоқли ёндашувнинг муҳимлигини таъкидлайди.

Бундан ташқари, экстрагенитал патологияни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди, чунки бундай касалликлар аёлларнинг репродуктив саломатлигига сезиларли таъсир кўрсатиши, фертилик ва ҳомиладорликнинг умумий натижаларига турли хил таъсир кўрсатиши мумкин.

Асосий гуруҳда 35 нафар аёлда (38,9%) юқумли ва паразитар касалликлар аниқланган. Семизлик ва қалқонсимон без касалликлари каби эндокрин бузилишлар 29 нафар (32,2%) беморда аниқланди, бу эса метаболизм ва гормонал мувозанатга сезиларли таъсир кўрсатади. Қон ва қон яратиш тизими касалликлари, шу жумладан анемия ва коагулопатия 18 нафар (20%) аёлда аниқланган. Аллергик касалликлар 8 нафар (8,89%) беморда кузатилди. Аутоиммун касалликлар 2 нафар (2,22%) аёлда аниқланди.

3- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, гинекологик касалликлар орасида энг кўп сурункали салпингоофорит аниқланди. Тубэктомия 14 нафар (15,6%) беморда ўтказилди. Бачадон миомаси 10 нафар (11,1%) беморда аниқланган. Аденомиоз ва тухумдонлар поликистоз синдроми (ТПКС) 8 нафар (8,89%) беморда, анамнезида миомектомия 7 нафар (7,78%) беморда аниқланган. Анамнезида муваффақиятсиз ЭКУ уринишлари бўлган беморлар учун ЁРТ муолажасига тайёргарликнинг зарурий босқичи гемостазиологик текширувни ўтказиш ҳисобланади. ЭКУ муолажасини муваффақиятли яқунлаш эҳтимолини ошириш учун жуда муҳим бўлган гемостаз тизимининг функционал ҳолати батафсил таҳлил қилинди. Гемостазиологик текширувни ўтказиш қуйидаги сабабларга кўра зарур эди:

3-жадвал

Гинекологик касалланиш тузилмаси

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=90)	
	Абс.	%
Сурункали салпингоофорит	30	33,3
Аденомиоз	8	8,89

Бачадон миомаси	10	11,1
Тухумдонлар поликистозси синдроми	8	8,89
Анамнезда миомэктомия	7	7,78
Анамнезда тубэктомия	14	15,6

Ҳомиладорликнинг физиологик кечиши қон кетиш ва тромбозлар пайдо бўлиш хавфининг ошиши билан бирга кечади, бу фибринолитик фаолликнинг бузилиши ва гиперкоагуляция, эндотелиал дисфункция ҳамда қон реологиясининг ўзгариши билан боғлиқ. Тромбофилия билан биргаликда бу кўпинча ЭКУ дан кейин ҲҚО ривожланиш хавфини ва бошқа акушерлик асоратларини келтириб чиқаради (4 жадвал).

4-жадвал.

Текширилаётган гуруҳларда ивиш тизими кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи (M±m)

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=90)	Назорат гуруҳи (n=25)	P
Протромбин вақти (сек)	9,57±0,18	11,57±0,16	P≤0,01
ХНК	0,82±0,03	1,14±0,05	P≤0,01
АҚТВ (сек)	24,43±0,17	29,23±0,49	P≤0,01
Тромбин вақти (сек)	11,6±0,16	13,8±0,29	P≤0,01
Фибриноген (гр/л)	5,98±0,07	3,10±0,13	P≤0,001
Д-димер (нг/мл)	893,2±16,7	539,5±24,7	P≤0,001

5-жадвал маълумотларига кўра, асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда гемостаз тизимида сезиларли ўзгаришлар аниқланди. Назорат гуруҳида протромбин вақтининг ўртача қиймати 11,57±0,16 сонияни ташкил этди, бу меъерий кўрсаткич бўлиб, физиологик меъерларга мос келади. Асосий гуруҳда 70 нафар беморда (77,8%) протромбин вақти 11 сониягача бўлган, бу қон ивиш жараёнининг тезроқ кечишини кўрсатади. Назорат гуруҳида шунга ўхшаш кўрсаткич фақат 2 нафар беморда (8%) кузатилди, бу сезиларли даражада камроқ. Протромбин вақти 11 сония ва ундан ортиқ вақт асосий гуруҳдаги 20 нафар беморда (22,2%) ва назорат гуруҳидаги 23 нафар беморда (92%) қайд этилган ($\chi^2=40,7$; $P\leq 0,001$; $OR=40,3$ 95%; $RR=9,72$; $CI(OR\ 8,73-185,51; RR\ 2,56-36,9)$).

ХНК кўрсаткичлари ҳам асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатди. Асосий гуруҳда ўртача ХНК кўрсаткичи сезиларли даражада паст бўлиб, 0,82±0,03 ни ташкил этди, бу назорат гуруҳига нисбатан 1,4 баравар кам ($P\leq 0,01$). Ушбу статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ асосий гуруҳдаги беморларда гиперкоагулясион ҳолатни кўрсатади. Асосий гуруҳда 33 нафар беморда (36,7%) ХНК 1,2 гача бўлди, бу қоннинг антикоагулянт тизими фаоллигининг пасайганлигидан далолат беради.

Назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар қуйидагича тақсимланди: 8 нафар беморда (32%) ХНК 1,2 гача, 17 нафар беморда (68%) ХНК 1,2 ва ундан ортиқни ташкил этди ($\chi^2=0,19$; $P>0,05$).

Гемостаз тизимидаги аниқланган ўзгаришлар асосий гуруҳ беморларида гиперкоагуляцион ҳолатни кўрсатади. Бу ЭКУ муолажаларини ўтказишда алоҳида эътибор ва назоратни талаб қилади, чунки тромб ҳосил бўлишига юқори мойиллик даволашни сезиларли даражада мураккаблаштириши ва унинг самарадорлигини пасайтириши мумкин.

Демак, ЁРТ доирасида овуляция стимуляциясини олган аёлларда коагуляцион каскаднинг сезиларли фаоллашуви содир бўлади ва фибринолиз тизими қийинчилик ҳис қилади. Тухумдонлар гиперстимуляцияси синдроми (ТГС) симптомлари ушбу коагуляцион ўзгаришларни кучайтиради. Овуляция стимуляциясида, айниқса ЁРТ доирасида, гормонлар даражасининг сезиларли даражада ошиши кузатилади, бу коагуляцион каскаднинг фаоллашишига олиб келиши мумкин. Бу фибриноген ва Д-димер даражасининг ошишига, АҚТВ ва гиперкоагуляцион ҳолатни кўрсатувчи бошқа кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келади. Бундай ҳолат тромб ҳосил бўлишида юқори мойиллик билан тавсифланади, бу эса беморлар саломатлиги учун жиддий хавф туғдириши мумкин.

5-жадвал.

Қон ивиш тизими кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи

Кўрсаткичлар		Асосий гуруҳ (n=90)		Назорат гуруҳи (n=25)		Статистик фарк
		Абс	%	Абс.	%	
Протромб ин вақти (сек)	11 гача	70	77,8	2	8	$\chi^2=40,7$; $P\leq 0,001$; OR= 40,3 95%; RR= 9,72; CI (OR 8,73- 185,51; RR 2,56-36,9)
	11 дан баланд	20	22,2	23	92	
ХНК	1,2 гача	33	36,7	8	32	$\chi^2=0,19$; $P>0,05$;
	1,2 баланд	57	63,3	17	68	
АҚТВ (сек)	25,4 гача	49	54,4	8	32	$\chi^2=3,94$; $P\leq 0,05$; OR= 2,54 95%; RR= 1,7; CI (OR 0,99-6,48; RR 0,93-3,11)
	25,4 дан баланд	41	45,6	17	68	
Тромбин вақти (сек)	11 гача	70	77,8	20	80	$\chi^2=0,06$; $P>0,05$;
	11 дан баланд	20	22,2	5	20	
Фибриног ен (гр/л)	4 гача	4	4,44	23	92	$\chi^2=83,5$; $P\leq 0,001$; OR= 0,004 95%; RR= 0,05; CI (OR 0,001- 0,02; RR 0,02-0,13)
	4 дан баланд	86	95,6	2	8	
Д-димер (нг/мл)	500 гача	38	42,2	19	76	$\chi^2=8,93$; $P\leq 0,01$; OR= 0,23 95%; RR= 0,56; CI (OR 0,08-0,63; RR 0,4-0,77)
	500 дан баланд	52	57,8	6	24	

Беморларни муолажа ҳақида хабардор қилинган ҳолда розилиги асосида F3 гени генотиплари полиморфизмининг аллел вариантлари ва ассоциациясини аниқлаш мақсадида молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказилди. Ушбу тадқиқотлар ПЗР усули билан ўтказилди, бу эса беморларда гемостаз тизимига ва қон ивишига таъсир қилиши мумкин бўлган генетик хусусиятларни батафсил ўрганишга имкон берди.

6-Жадвалдан кўриниб турибдики, асосий гуруҳ аёллари танланмасида F3 генининг G/T полиморфизми аллелларининг тарқалиш частотасининг G функционал аллели 72,8% ҳолларда (180 та аллелдан 131 таси) аниқланган, назорат гуруҳида эса унинг частотаси сезиларли даражада юқори бўлиб, 94,7% (96 та аллелдан 91 таси) ни ташкил этди. Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, G аллели оғир репродуктив анамнезга эга ва ЭКУ га тайёргарликдан ўтаётган асосий гуруҳ аёлларида камроқ учрайди.

6- жадвал

F3 генининг аллел вариантлари ва полиморфизмининг тарқалиш частотаси (G/T)

№	Гуруҳлар	Аллеллар частотаси				Генотипларнинг тарқалиш частотаси					
		G		T		G/G		G/T		T/T	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий гуруҳ n=90	131	72,78	49	27,22	48	53,33	35	38,89	7	7,78
2	1 гуруҳ (n = 46)	68	73,91	24	26,09	25	54,35	18	39,13	3	6,52
3	2 гуруҳ (n = 44)	63	71,59	25	28,41	23	52,27	17	38,64	4	9,09
4	Назорат гуруҳи n=48	91	94,79	5	5,21	43	89,58	5	10,42	0	0

Шу билан бирга, мутант T аллели асосий гуруҳда 27,2% ҳолларда (180 та аллелдан 49 тасида) аниқланган бўлса, назорат гуруҳида бу аллелнинг частотаси сезиларли даражада паст бўлиб, 5,21% ни ташкил этди (96 та аллелдан 5 тасида). Статистик таҳлил асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида аллелларнинг тақсимланишида сезиларли фарқни кўрсатди ($\chi^2 = 2,15$; $P > 0,05$).

Асосий гуруҳда G/G генотиби 48 та ҳолатда топилган, бу намунанинг муҳим қисмини ташкил қилади. Назорат гуруҳида G/G генотиби 43 та ҳолатда қайд этилган. Статистик таҳлил гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқни кўрсатди: $\chi^2 = 6,76$; $P \leq 0,01$, бу генотипнинг асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида пайдо бўлиш частотасидаги сезиларли фарқни кўрсатади. Оддс нисбати (OR) = 0,28 (95% CI: 0,1-0,76) назорат гуруҳида G/G генотипига эга бўлиш эҳтимоли сезиларли даражада паст эканлигини кўрсатади. Нисбий хавф (RR) = 0,61 (95% CI: 0,45-0,84) назорат гуруҳидаги G/G генотипининг паст эҳтимолини тасдиқлайди, бу эса ЭКУнинг салбий натижаларига нисбатан пастроқ мойиллик билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Асосий гуруҳда G/T генотиби 35 та ҳолатда топилган, бу ҳам репродуктив йукотиш кузатилган аёллар орасида ушбу генотипнинг сезиларли даражада тарқалишини кўрсатади. Назорат гуруҳида G/T генотиби 5 та ҳолатда қайд этилган. Бироқ, бу генотип учун статистик фарқ муҳим аҳамиятга эга булмади: $\chi^2 = 12,3$; $P > 0,01$.

Асосий гуруҳда Т/Т генотиби 7 та ҳолатда топилган, бу эса мувоффақиятсиз ЭКУ уринишлари булган аёллар орасида ушбу генотип мавжудлигини кўрсатади. Назорат гуруҳида Т/Т генотиби топилмади. Шунга қарамай, Т/Т генотиби учун статистик фарқ ҳам аҳамиятли чиқмади: $\chi^2 = 0,2$; $P > 0,70$.

7-жадвалдан куришиб турибтики, Ахборотлаштирилган розилик бўйича, F7 генининг G/A генотиплари полиморфизмини молекуляр-генетик ўрганиш реал вақт режимида ПЗР усули билан амалга оширилди. Ушбу усул генетик вариацияларни аниқлашда юқори аниқлик ва сезгирлиги туфайли танланган.

7- жадвал.

F7 гени аллел вариантлари ва полиморфизмининг тарқалиш частотаси (G/A)

№	Гуруҳлар	Аллелар частотаси				Генотипларнинг тарқалиш частотаси					
		G		A		G/G		G/A		A/A	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий гуруҳ (n = 90)	138	76,67	42	23,33	55	61,11	28	31,11	7	7,78
2	1 гуруҳ (n = 46)	70	76,09	22	23,91	26	56,52	18	39,13	2	4,35
3	2 гуруҳ (n = 44)	68	77,27	20	22,73	29	65,91	10	22,73	5	11,36
4	Назорат гуруҳи (n = 48)	91	94,79	5	5,21	43	89,58	5	10,42	0	0

Асосий гуруҳда F7 гени полиморфизмининг G аллели 76,6% ҳолатда (138/180 аллел) учраган бўлса, A аллели кўпроқ тарқалган бўлиб, 23,3% ҳолатда (42/180 аллел) учраган. Бу асосий гуруҳдаги аёллар популяциясида A аллелининг устунлигидан далолат бериб, репродуктив натижаларга таъсир қилувчи маълум генетик хусусиятлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Назорат гуруҳида аллелларнинг тарқалиш манзараси бошқача эди: G аллели аксарият ҳолларда – 94,7% (91/96 аллел), мутант A аллели эса фақат 5,2% ҳолларда (5/96 аллел) аниқланган. Асосий ва назорат гуруҳлари ўртасидаги бу сезиларли фарқ статистик таҳлил билан тасдиқланган, бу эса фарқларнинг юқори аҳамиятини кўрсатди ($\chi^2 = 39,8$; $P \leq 0,001$). Имкониятлар нисбати (OR) 0,06 (95% CI: 0,02-0,18) ни ташкил этди, бу назорат гуруҳида A аллелининг мавжудлигининг жуда паст эҳтимоллигини кўрсатади. Нисбий хавф (RR) 0,45 (95% CI: 0,37-0,55) га тенг бўлиб, бу ҳам назорат гуруҳида A аллели мавжудлигининг паст хавфини тасдиқлайди.

